ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙҚУЗИЕВ ИЛХОМ МАРДАНОҚУЛОВИЧ

КРИПТОТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИНГ КУЗНЕЧИК ШИФРЛАШ АЛГОРИТМИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

УДК: 004.056.55

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical-nathematical sciences

Бойқузиев Илхом Марданокулович
Криптотаҳлил усулларининг Кузнечик шифрлаш алгоритмига нисбатан қўлланилиши …….....3

Бойқузиев Илхом Марданокулович
Применение методов криптоанализа к алгоритму шифрования Кузнечик 21

Boykuziev Ilkhom Mardanokulovich
Application of cryptanalysis methods to Kuznyechik encryption algorithm 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 45

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙҚУЗИЕВ ИЛХОМ МАРДАНОҚУЛОВИЧ

КРИПТОТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИНГ КУЗНЕЧИК ШИФРЛАШ АЛГОРИТМИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2022.1.PhD/FM618 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тўйчиев Ғулом Нўмонович** физика-математика фанлари доктори
	Курьязов Давлатёр Матякубович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ» ДУК - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» август соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (98 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «10» август да тарқатилди.
(2022 йил «13» июн даги 7 рақамли реестр баённомаси.)

М.М. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Ғ.У. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини криптотаҳлиллаш муаммоларига, жумладан шифрлаш калитини аниқлашга қаратилган ва алгоритм таркибидаги акслантиришларнинг математик хусусиятларига, алгоритм қадамларига боғлиқ равишда, шунингдек математик хусусиятлар ҳамда қадамларга боғлиқ бўлмаган равишда ўтказиладиган крипто-ҳужумларни амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шифрлаш алгоритмларида фойдаланилган акслантиришларнинг хоссаларини ўрганиш, алгоритмларни мавжуд криптотаҳлил усулларига баҳолаш масалалари ахборот хавфсизлиги, амалий математика, криптография, криптотаҳлил ва объектга йўналтирилган дастурлаш каби соҳаларда олиб борилаётган илмий изланишларнинг тадқиқот объекти саналади. Шу сабабли, стандарт алгоритмларни криптотаҳлилнинг бардошлилик талаблари бўйича доимий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ахборот хавфсизлиги дастурий ва аппарат-дастурий воситалар ёрдамида таъминланади, шу боис уларнинг криптомодулини ташкил қиладиган давлат миқёсида ёки давлатлараро миқёсда қабул қилинган стандарт криптографик алгоритмлар ва протоколлар кенг тадқиқ этилмоқда. Мазкур криптографик алгоритмлардан симметрик шифрлаш алгоритмлари ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш жараёнида махфийликни таъминлайди. Шунинг учун стандарт симметрик шифрлаш алгоритмларини таҳлил қилиш, уларни замонавий криптотаҳлил усулларига узлуксиз равишда баҳолаб бориш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқи сифатида ахборот хавфсизлиги, криптология соҳаларида бардошли криптографик алгоритмларни яратиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Ахборотнинг махфийлигини ва бутунлигини таъминлашда симметрик блокли шифрлаш алгоритмларидан фойдаланишга, симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини криптотаҳлил усулларига баҳолашга қаратилган усул ва алгоритмларни яратишга ҳамда қўллашга оид кўплаб илмий тадқиқотларда салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ, амалий математика ва математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика»[1] фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган. Қарор ижросини таъминлашда стандарт шифрлаш алгоритмларини криптотаҳлил усулларига баҳолаш ҳамда олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий- тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4708-сон қарори.

тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сон “Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон “Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини криптотаҳлиллаш ва бардошли симметрик блокли шифрларни яратиш масалалари бўйича кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Жумладан, Б.Шнайер, Ю.Додис, Н.Фергюсон, Ж.Келси, М.Мацуи, Л.Кнудсен, Н.Куртуа, Н.Харрис, Э.Бихам, А.Шамир, Ж.Л.Масси, Р.Олейников, Е.Ищукова, Л.Бабенко, О.Казимировлар томонидан шифрлаш алгоритми ва бардошли криптографик акслантиришларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни криптотаҳлил усулларига баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Мавжуд симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини замонавий криптотаҳлил усуллари билан баҳолаш бир қанча олимлар томонидан тадқиқ қилинган. А.Жуков, Н.Молдовян, А.Молдовянлар томонидан ГОСТ 28147-89 алгоритми S-блоклари умумий криптографик талабларга, Л.Бабенко ва Е.Ищуковалар томонидан дифференциал криптотаҳлил усулига, Б.Абдурахимов ва А.Саттаровлар томонидан чизиқли дифференциал ва алгебраик криптотаҳлил усулларига, Р.Алоев ва Б.Ахмедовлар томонидан оддий ва такомиллашган слайдли таҳлил усулларига баҳоланган. М.Арипов ва Г.Туйчиевлар томонидан Лай-Месси тармоғи асосидаги симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари чизиқли, дифференциал криптотаҳлил усулларига баҳоланган. П.Хасанов, М.Каримов, Х.Хасановлар томонидан параметрлар алгебраси асосида блокли симметрик шифрлаш алгоритми яратилган ва таҳлил қилинган. Б.Абдурахимов ва О.Аллановлар томонидан

O‘zDSt1105:2009 стандарт алгоритми алгебраик ва интеграл криптотаҳлил усулларига баҳоланган.

ГОСТ Р 34.12-2015 стандарти таркибидаги Кузнечик шифрлаш алгоритмининг замонавий криптотаҳлил усулларига баҳолаш ишлари қуйидаги олимлар илмий ишларида кўрилган, жумладан: Е.Толоманенко томонидан дифференциал таҳлил ўтказилиб, ундаги чизиқсиз S акслантириш ва чизиқли L акслантириш дифференциаллик хусусиятлари ўрнатилган; Е.Ищукова ва бошқалар томонидан Кузнечик алгоритмининг соддалаштирилган S-KN2 версияси учун чизиқли ва дифференциал криптотаҳлиллар олиб борилган; Г.Жураев ва бошқалар томонидан Кузнечик алгоритмининг 3 раунди учун дифференциал криптотаҳлилни амалга оширишнинг параллел алгоритми таклиф этилган; Е.Маро томонидан Кузнечик алгоритми учун алгебраик криптотаҳлил олиб борилган; А.Бирюков ва бошқалар томонидан мультитўпламли алгебраик криптотаҳлил усулига баҳоланган; R.AlTawy ва A.Youssef-лар томонидан “Ўртага учрашиш ҳужуми” усулига баҳолаш олиб борилган; В.Кирюкин томонидан калитга боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган ҳужумларга баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида шифрлаш алгоритмларини баҳолаш бўйича қуйидаги олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, жумладан: L.Knudsen томонидан Square шифрлаш алгоритмига нисбатан мазкур криптотаҳлил усули қўлланилган ва тегишли натижалар олинган; J.Daemen, L.Knudsen ва V.Rijmen лар томонидан AES шифрлаш алгоритми интеграл криптотаҳлил усулига баҳоланган; Y.Hu, Y.Zhang ва G.Xiao лар томонидан SAFER+ алгоритми интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида баҳоланган; L.Knudsen ва D.Wagner-лар томонидан интеграл криптотаҳлил усулининг қўлланилиши бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Амалий математика масалаларини ечишнинг алгоритмлари ва дастурий таъминоти» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмини бардошлигини интеграл ва алгебраик криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини баҳолашда фойдаланиладиган криптотаҳлил усулларини таҳлил қилиш;

Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритми ва ўқув алгоритмини алгебраик криптотаҳлил усули ёрдамида баҳолаш;

Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритми ва ўқув алгоритмини интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида баҳолаш;

уч раундли Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмига интеграл криптотаҳлил усулини қўллашнинг самарали алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида симметрик шифрлаш алгоритми ҳамда криптотаҳлил жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритми ҳамда унинг ўқув вариантини интеграл ва алгебраик криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида амалий криптография ва криптотаҳлил усуллари, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси, қиёсий таққослаш ва объектга йўналтирилган дастурлаш воситалари ёрдамида тажрибалар ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг L акслантиришини ифодаловчи чизиқли тенгламалар ҳосил қилиш муаммоси чекли майдонда сонларни кўпайтиришни ифодаловчи тенгламалар ёрдамида ҳал қилинган;

Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг криптобардошлилиги алгебраик криптотаҳлил усули ёрдамида номаълумларнинг сонини камайтириш имконини берган тенгламаларни шифрлаш ва дешифрлаш йўналишида шакллантириш орқали баҳоланган;

Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг криптобардошлилиги интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида бир байти актив бўлган очиқ матнлар тўпламидан фойдаланиб баҳоланган;

уч раундли Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмига интеграл криптотаҳлил усулини қўллаб шифрлаш жараёнида фойдаланилган раунд калитларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Кузнечик шифрлаш алгоритми акслантиришларига тенгламалар шакллантириш имконини берувчи дастурий восита ишлаб чиқилган;

Кузнечик шифрлаш алгоритми акслантиришларини алгебраик ва интеграл криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятини берувчи дастурий воситалар ишлаб чиқилган;

уч раундли Кузнечик шифрлаш алгоритми шифрлаш жараёнида фойдаланилган калитни интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида топиш имконини берувчи дастурий восита ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган натижаларнинг ишончлилиги унда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, ўтказилган сонли тадқиқот натижалари билан тасдиқланганлиги ҳамда криптографик алгоритмларни криптотаҳлил усулларидан олинган реал ҳамда тажрибавий таҳлиллар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Кузнечик симметрик блокли шифрлаш алгоритмини интеграл ва алгебраик криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган криптотаҳлил усуллари натижаларидан ва акслантиришларнинг криптографик характеристикаларидан замонавий шифрлаш алгоритмларини криптотаҳлил усуллари билан баҳолашда, янги шифрлаш алгоритмлари, янги акслантириш

функциялари ишлаб чиқишда асос сифатида ҳамда криптотаҳлил усулларини қўлланиши ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузнечик шифрлаш алгоритмига алгебраик ва интеграл криптотаҳлили усулларининг қўлланилиши ва алгоритмнинг бардошлилигини баҳолашда олинган натижалар асосида:

диссертация ишининг илмий ва назарий маълумотларидан ҳамда криптографик алгоритмларнинг бардошлигини интеграл ва алгебраик криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш бўйича тавсиялардан, симметрик шифрлаш алгоритмининг акслантиришлари учун чизиқли тенгламаларни шакллантириш муаммоси ечими, алгебраик криптотаҳлилни амалга оширишда фойдаланилган ёндашув, алгебраик ва интеграл криптотаҳлил усулларини Кузнечик шифрлаш алгоритмига қўллаш ечимларидан «UNICON.UZ» ДУКда олиб борилаётган “Криптографик алгоритмлар яратиш” лойиҳасида криптотаҳлил усулларини таҳлил қилишда фойдаланилган («UNICON.UZ» ДУК - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг 2022 йил 31 мартдаги 5-3/483-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши «UNICON.UZ» ДУКда миллий ҳимояланган тизимларда фойдаланилаётган шифрлаш алгоритмлари бардошлигини баҳолаш, шифрлаш алгоритмини алгебраик ифодалашда номаълумлар сонини камайтириш, лойиҳа доирасида олиб борилаётган чизиқли ва алгебраик криптотаҳлил усулларини амалга ошириш жараёнида шифрлаш алгоритмларини ифодаловчи тенгламаларни шакллантириш имконини берган;

диссертация ишида олинган Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг ўқув варианти бардошлилигини криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш ҳамда Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг бардошлилиги интеграл ва алгебраик криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш натижаларидан ва Кузнечик симметрик шифрлаш алгоритмининг ўқув варианти бардошлилигини криптотаҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш бўйича ёндашув Ф706-17-рақамли «Ахборот тизимларида биометрик – криптографик технологиялар қўлланилишининг тадқиқи» лойиҳасида маълумотларни криптографик ҳимоялаш алгоритмларини танлаш ва криптобардошлилигини баҳолашда фойдаланилган (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУнинг 2022 йил 1 апрелдаги 968/15-01-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши маълумотларни криптографик ҳимоялаш алгоритмларини танлаш ва криптобардошлилигини баҳолаш, симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари акслантиришларининг интеграл ва алгебраик хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола, шундан 6 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, ЭҲМ учун яратилган 4 та дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий этилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ГОСТ Р 34.12.2015 шифрлаш стандарти алгоритмлари ва уларни криптотаҳлил усулларига баҳолаш натижалари**» деб номланган биринчи бобида симметрик блокли шифрлаш алгоритмларини баҳолашда фойдаланиладиган криптотаҳлил усуллари, ГОСТ Р 34.12.2015 шифрлаш стандарти алгоритмлари ва уларга нисбатан ўтказилган криптотаҳлил натижалари баён қилинган.

Криптотаҳлилчи K калитни бўлиши мумкин бўлган соҳасини камайтириш учун турли шароитларда шифрлаш калити тўғрисида қўшимча маълумот олишни мақсад қилади. Л.Кнудсен блокли шифрларни криптотаҳлиллаш усулларини олинган маълумот ҳажми ва сифатига кўра қуйидагича таснифлаган: *тўлиқ ҳужум*; *глобал дедукция*; *хусусий дедукция*; *ахборот дедукцияси*.

Ҳозирда симметрик блокли шифрларни таҳлиллашда кўплаб криптотаҳлил усулларидан фойдаланилиб, улар орасида қуйидагиларни алоҳида келтириш мумкин:

- дифференциал криптотаҳлил усули (differential cryptanalysis);
- чизиқли криптотаҳлил усули (linear cryptanalysis);
- чизиқли-дифференциал криптотаҳлил усули (linear-differential cryptanalysis);
- алгебраик криптотаҳлил усули (algebraic crypanalysis);
- интеграл криптотаҳлил усули (integral cryptanalysis).

Ушбу стандарт блок узунлиги $n = 128$ ва $n = 64$ бит ва калит узунлиги $k = 256$ бит бўлган иккита асосий блокли шифрни тавсифлайди. Ушбу стандартда тавсифланган блок узунлиги $n = 128$ бит бўлган шифрни «Кузнечик» («Kuznyechik») блокли шифри деб аталса, блок узунлиги $n = 64$ га тенг бўлган шифрни «Магма» («Magma») блокли шифри деб аташ мумкин.

Магма ва Кузнечик алгоритмларига нисбатан олиб борилган криптотаҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Замонавий симметрик шифрларнинг криптотаҳлил натижалари (D – танланган очиқ матн ёки шифрматнлар сони, M – хотира ҳажми ёки операциялар сони, T – сарфланган вақт, R- дешифрланган раундлар сони)

Шифрлаш алгоритми / Криптотаҳлил усуллари	**Магма**	**Кузнечик**
Чизиқли криптотаҳлил усули	- R=32, $T=2^{173,8}$ ва $D=2^{173,8}$. - 5-рауңддан сўнг тўлиқ бардошли бўлган.	- алгоритм мазкур таҳлил усулига тўлиқ бардошли деб топилган.
Дифференциал криптотаҳлил усули	- 6-рауңддан сўнг бардошли бўлган. - заиф S жадвал билан 32 раунд учун ҳужум бўлиш эҳтимоли 2^{-25} дан 2^{-33} гача бўлган.	- R=3 , $D= 2^{-108} + 6 * 2^{-120}$; - 3-рауңддан сўнг бардошли бўлиши исботланган; - алгоритм мазкур таҳлил усулига тўлиқ бардошли деб топилган.
Чизиқли-дифференциал криптотаҳлил усули	- 12-рауңддан сўнг бардошли бўлган.	-
Алгебраик криптотаҳлил усули	- R=3, M=45,43 Гбайт; - 5-рауңддан сўнг бардошли бўлган. - ҳужум мураккаблиги 2^{44} га тенг бўлган.	- $T=2^{154.5}$, $M=2^{140}$; - бир раунд учун усул мураккаблиги 2^{33} га тенг бўлган; - уч раундли SKN2 алгоритми учун XL усулида мантиқий тенгламаларни ечиш учун 236,33 секунд вақт ва 1,191 Гб тезкор хотира талаб қилинган.
Алгоритмларга нисбатан интеграл криптотаҳлиллаш амалга оширилмаган		
Бошқа ҳужум усуллари	- “Слайдли ҳужум” учун параллел дастурлаш алгоритми таклиф этилган.	- “Ўртада учрашиш” хужум усули: $D= 2^{113}$, $T=2^{140}$, $M=2^{153}$. - “Калитга боғлиқ” ҳужум: $T=2^{32}$, $M=2^{30}$, $D=2^{16}$.

Диссертациянинг **«Кузнечик шифрлаш алгоритмини алгебраик криптотаҳлил усули ёрдамида баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида Кузнечик шифрлаш алгоритмининг акслантиришларига нисбатан тенгламаларни шакллантириш, ўқув алгоритми S-KN1 ва Кузнечик шифрлаш алгоритмларига нисбатан алгебраик криптотаҳлил амалга оширилган.

Кузнечик шифрлаш алгоритмининг L акслантиришида кирувчи байтлар 148, 32, 133, 16, 194, 192, 251 сонларига кўпайтирилади ва бунинг учун тенгламалар тузиш қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, ушбу кўпайтириш амалларини бўлакларга бўлиб амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, мазкур сонларни 2, 4, 8, 16, 32, 64, 128 сонларининг йиғиндиси шаклида ифодалаш имконияти мавжуд. Шу сабабли, ушбу сонларга кўпайтириш амалини тенглама кўринишида ифодалаш орқали ушбу муаммони ечиш мумкин. Қуйида, шу мақсадда ҳосил қилинган тенгламалар ёрдамида 148 га кўпайтириш амали учун тузилган тенглама кўриниши келтирилган:

$$\mathbf{148}(x_7, x_6, x_5, x_4, x_5, x_6, x_7, x_0) mod\ p(x) = |128 + 16 + 4|$$
$$= x_5, x_4, x_5 + x_3, x_6 + x_4 + x_2 + x_0, x_5 + x_3 + x_1, x_4 + x_2 + x_1 + x_0, x_6 + x_3 + x_1, x_6 + x_2$$

Қолган 133, 194, 192, 251 сонларига кўпайтириш амаллари учун ҳам тенгламалар шу тартибда шакллантирилади:

148=128+16+4; 133=128+4+1; 194=128+64+2; 192=128+64; 251=128+64+32+16+8+2+1.

Юқорида келтирилган L акслантиришни ифодаловчи тенгламалардан алгебраик криптотаҳлил усулида фойдаланиш мумкин.

S-KN1 алгоритми учун ҳосил қилинган қисм элементларни алгебраик ифодалашда *X, S, L* – функцияларни кўриб ўтиш етарли. Тенгламаларнинг параметрларига таъсир кўрсатувчи акслантириш *S* акслантириши ҳисобланади.

***y=S(x)* - функция** –ўлчами 4x4 бит бўлган S акслантиришини амалга оширади (алмаштириш жадвали статик ҳисобланади).

Ушбу акслантиришга нисбатан тўғри (шифрлаш) йўналишда, тескари (матнни дастлабки ҳолатга ўгириш) йўналишда ва аралаш (даражаси пасайтирилган) алгебраик тенгламаларни қуриш мумкин, яъни:

1. $y_i = F(x_1, x_2, \dots, x_4)$, $i = 1,2, \dots ,8$
2. $x_i = F(y_1, y_2, \dots, y_4)$, $i = 1,2, \dots ,8$ **(1)**
3. $F(x_1, x_2, \dots, x_4, y_1, y_2, \dots, y_4) = 0$

S-KN1 шифрлаш алгоритми S акслантириши таҳлили умумий ҳолда қуйидаги жадвалда келтирилган:

2-жадвал

S-KN1 шифрлаш алгоритми S акслантиришининг криптографик кўрсаткичлари

Аргументлари	4	Регулярлик	+	N (φ)	0	AI(f)	1
Баланслашганлик	+	deg (f)	4	CI(f)	0	SAC(f)	-

S акслантириш учун **(1)** да келтирилган усулларда ҳосил қилинган тенгламалар параметрлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Алгебраик криптотаҳлил усулининг кейинги босичида алгоритмнинг ҳар бир акслантириш учун ҳосил қилинган тенгламаларни боғлаб раунд учун тенгламаларни шакллантириш амалга оширилади.

3-жадвал

S-KN1 шифрлаш алгоритми S акслантиришига нисбатан тузилган тенгламалар параметрлари

	DEG	NS	4-даражали TS	3-даражали TS	2-даражали TS	1-даражали TS
1-усул	4	93	30	40	7	1
2-усул	4	93	30	48	-	-
3-усул	2	36	-	-	20	1

Акслантиришлар ўртасидаги боғланишларни **(1)** да келтирилган S акслантиришига нисбатан тенгламалар системасини тузиш усулларига боғлиқ равишда қуйидаги 3 хил усулда қуриш мумкин.

1. $y = L(S(X(x)))$ **(2)**
2. $x = X\left(S^{-1}\left(L^{-1}(y)\right)\right)$ **(3)**
3. $F\left(L\left(S\left(X(x)\right)\right), y\right) = 0$ **(4)**

Шундан сўнг раундларни ўзаро боғлаш жараёни амалга оширилади, яъни

улар асосида тўлиқ шифрлаш алгоритмини ифодаловчи умумий тенгламалар системаси шакллантирилади.

Кузнечик алгоритмининг раундларини боғлашни юқоридаги хусусиятларга мувофиқ, қуйидаги ёндашувлар ёрдамида амалга ошириш мумкин:

1. Ҳар бир раунд чиқишидаги массив битларини мустақил ифодаловчи тенгламаларни тузиш орқали.

$$y_i = R_i(x_i) = L\left(S\left(X(x_i)\right)\right),\ y_{i+1} = R_{i+1}(x_{i+1}) = L\left(S\left(X(x_{i+1})\right)\right) = L\left(S\left(X(y_i)\right)\right) = L\left(S\left(X\left(L\left(S(X(x_i))\right)\right)\right)\right) \quad \textbf{(5)}$$

2. Ҳар бир раунд киришидаги битларни ифодаловчи тенгламаларни тузиш орқали.

$$x_i = R^{-1}{}_i(y_i) = X\left(S^{-1}\left(L^{-1}((y_i))\right)\right),\ x_{i-1} = R^{-1}{}_{i-1}(y_{i-1}) = X\left(S^{-1}\left(L^{-1}((y_{i-1}))\right)\right) = X\left(S^{-1}\left(L^{-1}((x_i))\right)\right) = X\left(S^{-1}\left(L^{-1}\left(X\left(S^{-1}\left(L^{-1}((y_i))\right)\right)\right)\right)\right) \textbf{(6)}$$

3. Ҳар бир раунд киришида янги ўзгарувчи киритиш усули орқали.

$$F\left(L\left(A\left(X(x_{i+1})\right)\right), y_{i+1}\right) = F\left(S\left(A\left(X(y_i)\right)\right), y_{i+1}\right) = 0 \quad \textbf{(7)}$$

Раундларни боғлашни қуйидаги усуллар ёрдамида амалга ошириш мумкин:

1) **(2)** ифода ёрдамида шакллантирилган тенгламалар ёрдамида;
2) **(3)** ифода ёрдамида шакллантирилган тенгламалар ёрдамида;
3) дастлабки икки раундини **(2)** ва **(5)** ифодалар, учинчи раундини эса **(3)** ва **(6)** ифодалар ёрдамида шакллантирилган тенгламалар.

Қуйидаги 4-жадвалда юқорида келтирилган тенгламалар ёрдамида шакллантирилган уч раундли алгоритмни ифодаловчи тенгламалар системасининг номаълумлар сони келтирилган.

4-жадвал

Уч раундли алгоритмни ифодаловчи тенгламалар системасининг параметрлари

Раундларни боғлаш усули	**Номаълумлар сони**
1-усул	14232
2-усул	9320
3-усул	796

Кузнечик алгоритми учун ҳосил қилинган қисм элементларни алгебраик ифодалашда S – функция тенгламаларнинг параметрларига таъсир кўрсатувчи асосий акслантириш ҳисобланади.

***y=S(x)* - функция** – ўлчами 8x8 бит бўлган S акслантиришини амалга оширади. Ушбу акслантиришга нисбатан тўғри (шифрлаш) йўналишда, тескари (матнни дастлабки ҳолатга ўгириш) йўналишда ва аралаш (даражаси пасайтирилган) алгебраик тенгламаларни қуриш мумкин, яъни:

1. $y_i = F(x_0, x_1, \dots, x_7)$, $i = 0,1, \dots,7$
2. $x_i = F(y_0, y_1, \dots, y_7)$, $i = 0,1, \dots,7$ **(8)**
3. $F(x_0, x_1, \dots, x_7, y_0, y_1, \dots, y_7) = 0$

Кузнечик шифрлаш алгоритми S акслантириши таҳлили умумий ҳолда қуйидаги 5-жадвалда келтирилган:

5-жадвал

Кузнечик алгоритми S акслантиришининг криптографик кўрсаткичлари

Аргументлари	8	Регулярлик	+	N (f)	100	CI(f)	0	SAC(f)	-
Баланслашганлик	+	deg (f)	7	N (φ)	100	AI(f)	3		

S акслантириш учун **(8)** да келтирилган усулларда ҳосил қилинган тенгламалар параметрлари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Кузнечик шифрлаш алгоритми S акслантиришига нисбатан тузилган тенгламалар параметрлари

	DEG	NS	7-даражали TS	6-даражали TS	5-даражали TS	3-даражали TS
1-усул	7	860	354	10	1	
2-усул	7	860	360	5	-	
3-усул	3	697	-	-	-	441

Кузнечик шифрлаш алгоритмида ҳам бир раунд учун ва раундларни боғловчи тенгламалар S-KN1 алгоритмида амалга оширилган усуллар ёрдамида шакллантирилади.

Раундларни боғлашни ўқув алгоритмида самарали ҳисобланган 3-усул ёрдамида шакллантирилган тенгламалар ёрдамида ифодаланганганда тенгламалар системасининг параметрлари қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

Саккиз раундли алгоритмни ифодаловчи системани сақлаш учун талаб қилинадиган хотира ҳажми эса 2^{62} ни ташкил қилади.

Диссертация ишининг «**Кузнечик шифрлаш алгоритмини интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида баҳолаш**» номли учинчи боби S-KN1 ўқув алгоритмига нисбатан интеграл криптотаҳлилни амалга ошириш, S-KN1 ўқув алгоритмида фойдаланилган калитни аниқлашнинг самарали алгоритми ва Кузнечик ўқув алгоритмига нисбатан интеграл криптотаҳлилни амалга оширишга бағишланган.

7-жадвал

Алгоритмни ифодаловчи тенгламалар системасининг параметрлари

Раундлар сони	**Номаълумлар сони**	**Ҳотира ҳажми**	**Мураккаблик, ≈ O^3**
2 раунд	2^{17}	2^{25}	2^{51}
4 раунд	2^{28}	2^{35}	2^{72}
6 раунд	2^{41}	2^{48}	2^{123}
8 раунд	2^{55}	2^{62}	2^{165}

Интеграл криптотаҳлил усулини бирор-бир шифрлаш алгоритмига қўллаш учун, танлаб олинган очиқ матнлар ва уларга мос шифрматнларнинг махсус тўплами маълум бўлиши лозим. Очиқ матнлар тўпламини танлашнинг маълум қоидаларига кўра, S-KN1 шифрлаш алгоритмига интеграл криптотаҳлил усулини қўллаш учун очиқ матнлар тўплами танланган ва кузатиш амалга оширилган.

Кузатиш жараёнидан, алгоритми биринчи раундида S акслантириш актив бўлакларни тарқатмаслиги, шунингдек, delta тўпламнинг баланслашганлигига таъсир қилмаслиги маълум бўлди. L акслантириши эса, устундаги битта актив бўлакни иккита актив бўлакларга тарқатади. X акслантириш ҳам баланслашганликга таъсир қилмайди, шунингдек, актив бўлакни тарқатмайди. Бу ерда, тўпламдаги актив бўлакларнинг сонига фақат

L акслантиришлари таъсир қилишини кўриш мумкин.

Худди шу тарзда, S-KN1 шифрлаш алгоритмининг кейинги раундлари учун ҳам тўпламнинг ўзгариши кузатиб борилади.

2-раунддан сўнг ҳам тўплам баланслашган бўлади. Кузатилаётгаи тўпламнинг шифрлаш алгоритми 3-раундидан кейинги ўзгариши қуйидаги 8- жадвалда келтирилган.

8 –жадвал

Кузатилаётган тўпламнинг 3-раунддан кейинги ўзгариши

Акс-ш	2-раунд сўнгидаги қиймат	3-раунд		
		S	L	X
1-блок	0011 0000	0111 0011	1010 1010	0011 0110
2-блок	0110 1110	0101 1101	0011 0010	1010 1110
3-блок	0011 0100	0111 1111	1101 0110	0100 1010
4-блок	0000 0100	0011 1111	1110 1010	0111 0110
5-блок	0010 1111	1010 1000	0101 0101	1100 1001
6-блок	0001 0111	0110 1011	0101 0001	1100 1101
7-блок	1110 1100	1101 0100	1101 0000	0100 1100
8-блок	1000 0100	0010 1111	1010 1001	0011 0101
9-блок	0100 0101	1111 0000	1001 0010	0000 1110
10-блок	1001 1100	1100 0100	1001 0011	0000 1111
11-блок	1000 1111	0010 1000	0011 1110	1010 0010
12-блок	1011 0111	1110 1011	0011 1010	1010 0110
13-блок	1011 1010	1110 0001	1110 0000	0111 1100
14-блок	0000 1010	0011 0001	1111 0100	0110 1000
15-блок	1001 1001	1100 1100	0010 1011	1011 0111
16-блок	1111 0110	1000 0101	1001 1110	0000 0010
(XOR)∑=	0000 0000	0011 1000	0111 1101	0111 1101

Қаралаётган шифрлаш алгоритмининг 3-раунд киришида кузатилаётган тўпламнинг баланслашган элементи мавжуд бўлиб, бу ҳолат шифрлаш алгоритмининг 4-раундда фойдаланилган раунд калитини аниқлаш имкониятини беради. Криптотаҳлилнинг 1-босқичини ушбу қадамда тўхтатиш мумкин. Криптотаҳлилнинг кейинги босқичи калит вариантларини аниқлаш бўлиб, ушбу жараёнда зарур ҳисобланган 3 –раунд сўнгидаги шифр матн тўплами ҳам маълум.

Криптотаҳлилнинг кейинги жараёни, яъни шифрлаш алгоритмининг сўнги раундида фойдаланилган калит қийматни аниқлаш, сўнги раундга кирувчи тўпламда актив (ёки пассив) байт мавжудлигини ҳамда сўнгги раунддан чиқувчи маълумот (шифр матн) ни билган ҳолда, статистика ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Интеграл криптотаҳлил усули бўйича моҳиятига кўра 3 раундли S-KN1 алгоритмида сўнги раунд калити қийматни аниқлаш учун барча шифрматнлар тўпламини сўнгги раунд калитининг мумкин бўлган вариантларини тўлиқ танлаш усули билан бир раундга дешифрлаш амалга оширилиши зарур.

Ушбу қадамлар кетма-кетлигини бажариш жараёнида кўриш мумкинки, шифрматнлар тўпламини акслантиришдан ўтказиш жараёни калит вариантларини тўлиқ танлаш усулидан самарали эмас. Лекин, алгоритм акслантиришларининг хусусиятларидан фойдаланиб, самарали натижага

эришиш мумкин.

Алгоритмга интеграл криптотаҳлил усулини қўллаш ва калитни топишнинг самарали алгоритми таклиф этилди.

Уч раундли S-KN1 алгоритм учун интеграл криптотаҳлил усулида калитни топиш алгоритми қуйидагича:

1. Бир байти актив, қолган байтлари пассив очиқ матнлар тўплами танлаб олинсин;

2. Тўпламнинг барча массивлари учун 3 раундли шифрлаш амалга оширилсин;

3. Ҳосил бўлган шифр матнлар тўпламининг барча массивлари учун $a = L^{-1}(y)$ қийматлар ҳисоблансин;

4. k' ($k' = L^{-1}(k)$) нинг қабул қилиши мумкин бўлган барча вариантлари (0000 0000 дан 1111 1111 гача) ва x тўпламнинг барча $x_i = S^{-1}(a_i \oplus k'_i)$ ($i = 0,1$) элементлари учун $\sum x_i = 0$ тенглик текширилсин;

5. Тенгликни қаноатлантирадиган вариантлар танлаб олинсин ва k' нинг мос байти сифатида қабул қилинсин;

6. k' нинг ҳар бир байти ягона қиймат қабул қилмагунча, 1-5 қадамлар қайтарилсин ва ҳар сафар k' нинг бир байти учун қабул қилинган вариантлар билан аввал ҳосил қилинган вариантлар кесишмаси олинсин.

7. $L(k')$ ҳисоблансин ва учинчи раунд сўнгида фойдаланилган калит сифатида эълон қилинсин.

Мазкур алгоритмнинг учинчи раунд калитини топиш учун бажариладиган танлашлар сони ифода ёрдамида аниқланади: $n = a*b*c$

Бу ерда, a - шифрматн тўплами элементлари сони, b - шифр матнлар сони, c - актив ва пассив қисмлардан иборат танлаб олинган тўпламлар сони.

Ушбу таклиф этилган алгоритм асосида махсус дастурий таъминот яратилди, юқорида кўриб чиқилган мисолда қўлланилган калитни топиш жараёни амалга оширилди.

Дастурий таъминот ёрдамида олинган натижаларда k' нинг дастлабки ярим байти учун номзод сифатида қабул қилинган вариантлар тўрттани (**0011, 1001, 1101 ва 1111**), иккинчи ярим байт учун номзодлар эса иккитани (**0011 ва 1110**) ташкил қилди. Шу сабабли, номзод калитлар биттани ташкил қилмагунча 6-қадамда таъкидланганидек юқорида бажарилган кетма-кетликлар бошқа очиқ матнлар тўплами учун ҳам такрорланди.

Натижалардан маълум бўлдики k' нинг тастлабки ярим байти учун номзод сифатида қабул қилинган вариантлар иккитани (**0100 ва 1101**), иккинчи ярим байт учун номзодлар эса саккизтани (**0000, 0010, 0101, 0111, 1001, 1011, 1100 ва 1110**) ташкил қилди. Вариантларнинг кесишмаси олинганда k' нинг дастлабки ярим байти учун **1101**, иккинчи ярим байти учун эса **1110** қийматлар ҳосил бўлади. Демак, $k' = 11011110$ ва $k = L(k') = 10011100$ калит аниқланади. Бу калит эса, дастлаб шифрлаш жараёнида фойдаланилган k_3 га тенг.

Учинчи раунд калитини топиш учун зарур бўлган танлашларнинг максимал сони ($a = 2$, $b = 16$, $c = 16$) $n = 2*16*16 = 2^{10}$ ни ташкил қилади.

Хусусий ҳолда, уч раундли алгоритм учун интеграл криптотаҳлил алгоритми орқали сўнги раунд калитини топиш учун тузилган алгоритм орқали тўлиқ танлашлар сони алгоритмнинг ҳар бир такрор бажарилиши учун ($c=1$) $2 * 16 = 2^5$ тани ташкил этади. Юқоридаги мисолда эса алгоритм 8 марта ($c=2$) қайта бажарилди, яъни, учинчи раунд калитини топиш учун $2 * 16 * 2 = 2^6$ та танлаш ўтказиш талаб қилинди.

Мазкур алгоритм учун таклиф қилинган интеграл криптотаҳлил усули ёрдамида калитни топиш алгоритмидан уч раундли Кузнечик шифрлаш алгоритмида фойдаланилган калитни топиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Кузнечик шифрлаш алгоритмига интеграл криптотаҳлил усулини қўллашда, дастлаб алгоритмнинг ҳар бир акслантириши хусусиятларини кўриб чиқилди. Шунга кўра, Кузнечик акслантиришларининг турли хил кирувчи тўплам элементларини қандай ўзгартириши ўрганилди ҳамда кирувчи тўпламларнинг раундлардан чиқишдаги ўзгариши кузатилди. Кузатиш натижаларига кўра қуйидаги тасдиқ ва теоремалар ўринли.

Тасдиқ 1. Кузнечик шифрлаш алгоритмининг X акслантириши интеграл криптотаҳлил усулида танлаб олинган очиқ матнлар тўпламининг параметрларини ўзгартирмайди.

